47 (481)
2005 йил 23 ноябрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Ўз сўзига содиқ Абдулла Қаҳҳор
▶ Инсонлигини унутган Исоқ ота

3
▶ Расталар ораста бўлса...
▶ Да-Юан ...Фарғонанинг хитойча номими?

4
▶ Садоқати чексиз Саидахон...
▶ Хазон ёқманг, одамлар!

Расмий хабарлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р.С.Азимовни Ўзбекистон Республикаси Молия вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида

Рустам Содиқович Азимов Ўзбекистон Республикаси Молия вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 22 ноябрь.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ 22 ноябрь куни Оқсаройда Немис иқтисодиётининг шарқий қўмитаси (ГФР) бошқаруви раиси, «Даймлер Крайслер АГ» концерни бошқарувининг маслаҳатчиси Клаус МАНГОЛЬДни қабул қилди.

— Сизни нафақат Немис иқтисодиётининг шарқий қўмитаси бошқаруви раиси, балки Ўзбекистон-Германия муносабатларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган мутахассис сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди Ислом Каримов. — Ўзаро иқтисодий алоқаларни тараққий эттиришда сиз раҳбарлик қилаётган қўмитанинг ҳам салмоқли ўрни бор.

1952 йилда ташкил этилган мазкур қўмита Германиянинг етакчи иқтисодий уюшмаларини бирлаштиради. Бугунги кунда унинг таркибида бир минг беш юздан зиёд компания ва корхона бор. Қўмита Германиянинг Марказий Осиё, Россия, Кавказ, Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Болтиқбўйи давлатлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашувчи органдир.

Юртимизда К.Мангольд раҳбарлигидаги германиялик ишбилармонларнинг катта делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Ташриф асносида Ўзбекистон билан Германия ўртасида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, саноат инфратузилмаси, нефть-газ, электроника ва ахборот технологиялари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўплаб соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришнинг янги имкониятларини кўриб чиқиш режалаштирилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг кўлами тобора кенгаймоқда. Жорий йилнинг мартида Боннда молиявий-техникавий ҳамкорлик масалалари бўйича ҳукуматлараро музокаралар бўлиб ўтди. Апрель ойида Тошкентда Савдо ва сармоя бўйича Ўзбекистон—Германия ишчи гуруҳининг йиғилиши ўтказилди. Октябрь ойида эса Дрезденда «Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари» ташкил этилди.

2004 йилда давлатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 320 миллион АҚШ долларидан ошган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 240 миллион долларга тенглашди.

Юртимизда Германия ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 141 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. ГФРнинг 54 фирма ва компанияси, жумладан, «Сименс», «Алкатель», «Даймлер Крайслер АГ», «Люфтганза» Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Мамлакатимизда Германия компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширилган, ижро этилаётган ва режалаштирилаётган қўшма лойиҳалар сони юздан ошади. Уларнинг молиявий қиймати салкам 1,4 миллиард АҚШ долларига тенг.

К.Мангольд самимий қабул учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳадаги Ўзбекистон—Германия ҳамкорлиги катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидлади.

Учрашувда мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва рағбатлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

Жиззах вилояти

КУН ТАРТИБИДА – ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан оқ аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва уларга муносиб турмуш шароитлари яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда Жиззах вилоят ҳокимлиги ҳамкорликда ўтказган семинар ана шу масалага бағишланди.

Анжуманда Жиззах вилоятида кўмак ва эътиборга муҳтож кексалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутатлари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари мамлакатимизда кексаларни ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар ва қабул қилинажак қонунлар, фуқаролар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари юзасидан бевосита жойларда амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммоларнинг ечими юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.

Фарғона вилояти

Огоҳлик

ТАДБИРЛАР ҚАНДАЙ ЎТАЯПТИ?

Вилоят ҳокимлигида ҳудудда осойишталик ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчилик ҳаракатларининг олдини олиш бўйича тадбирларнинг боришига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокими ўринбосарлари, Ички ишлар вилоят бошқармаси ва бўлимлари бошлиқлари, олий ўқув юртлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати аъзоси Ш.Нурматов олиб борди.

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Қ.Обидов маъруза қилди. "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими раиси Т.Ҳафизов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими раиси Т.Мажоновлар тинчлик ва осойишталикни таъминлашда маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар ташкилотлари олиб бораётган ишлар юзасидан ахборот бердилар.

Кодир ШОДМОНОВ, "Mahalla" мухбири.

— Яна нима дейди?
— Мадамин бобога медаль ярашибди, — дейди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги олдидан

УЧ АСР ШОҲИДИ – "ШУҲРАТ" МЕДАЛИ СОҲИБИ

107 баҳорни қаршилаган нуроний отахон Мадамин Бобожонов Урганч туманидаги Қорамон қишлоғида яшайди. Бугунги дориломон кунларимизга омонликда етиб келган отахон айни пайтда саккизта фарзанди ва 58 нафар чевара-неваралари қуршовида қарилик гаштини суриб, умргузаронлик қилмоқда. Пиру бадавлат отахон кўп йиллар мобайнида деҳқончилик билан шуғулланди, боғ-роғлар яратди, пахтачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлади. Уч асрга шоҳид бўлиб, ёш авлодга ўзининг панду насиҳатларини бериб келаётган бобони ҳамқишлоқлари ҳамиша эъзозлашади.

Мадамин бобо Бобожонов юртимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида Юртбошимиз Фармонига кўра "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

«Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас».

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, IX боб, 39-модда)

КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ

ёки фуқароларнинг Конституциявий судга мурожаатларига муносабат хусусида

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қонуний мустаҳкамлаган, адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг ҳуқуқий асосларини ўзида мужассамлаштирган Конституциямиз қабул қилинганлигига ҳам 13 йил тўлмоқда.

Биз ушбу мақолада Конституциявий суднинг ваколатлари, хусусан, фуқароларнинг ариза ва мурожаатларини кўриб чиқишга доир ваколатлари ҳақида қисқача маълумот бермоқчимиз.

"Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўрадиган суд ҳокимияти органи ҳисобланади.

Қонунга мувофиқ Конституциявий суд:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномалар билан олган ва бошқа мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан ўзининг ваколатлари доирасига киритилган бошқа ишларни кўриб чиқади.

Булар Конституциявий суднинг конституциявий назорат функциясини амалга оширишини таъминловчи ваколатлари ҳисобланади.

Конституциявий назорат, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг Конституциявий судга йўллаган ариза ва мурожаатномаларини ўрганиш орқали ҳам амалга оширилади.

Давоми 2-саҳифада

Тошкент вилояти

Ҳамкорлик

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви қошидаги "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий маркази жамғарма ва юртимиздаги фуқаролар йиғинлари фаоллари малакасини ошириш мақсадида тузилган бўлиб, бугунги кунда аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш ишига ҳам ўз улушини қўшиб келмоқда.

"МАҲАЛЛА ЗИЁСИ" ҲУҚУҚ ТАРҒИБОТЧИСИ

Жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида марказ ходимлари "Маҳалла" жамғармаси Тошкент вилояти бўлими мутасаддилари билан биргаликда вилоятнинг Қибрай туманидаги Байтқўрғон ва Ўнқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинларида, Бўстонлиқ тумани Ғазалкент шаҳри, Искандар қўрғон ва Паргос қишлоқ фуқаролар йиғинларида хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мавзусида бир қатор семинар ва мулоқотлар ўтказдилар. Хусусан, бундай тадбирлар чоғида хотин-қизларга тест-сўровномалар тарқатилиб, социологик кузатув ишлари олиб борилди.

Айни пайтда марказ ходимлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 13 йил тўлиши муносабати билан Қибрай туманида "Асосий Қонунимиз тантанаси" мавзусида катта илмий-амалий анжуман ўтказиш тараддудида.

МУХБИРИМИЗ

Ўзбекистон ҳамкорлари

ИТТИФОҚЧИЛИК — ЯНГИ ЯРАТУВЧАНЛИК ИМКОНИЯТИ

дея таъкидлайди россиялик ижодкор Анна Радзивилл

Анна РАДЗИВИЛЛ — россиялик прозаик ва таржимон, Петровский номли илм ва санъат Академияси академиги, Василий Шукшин номидаги "Қисқа ҳикоя устаси" бадиий танловининг лауреатидир. Айни кунда эса у Россия Ёзувчилар уюшмасининг Ленинград вилояти профессионал ташкилоти раҳбари. Бизнинг юртимизда уни Абдулла Қаҳҳор, Туроб Тўла, Сайёр каби ўзбек бадиий адабиёти намоёндалари асарларини рус тилига таржима қилган ижодкор сифатида танишади.

Яқинда А.П.Радзивилл қизи, шоира, Россия Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ольга Радзивилл билан яна юртимизда бўлганда уларни суҳбатга чорладик. Суҳбатимиз мамлакатларимиз ўртасидаги бугунги муносабатлар, хусусан, маданият, санъат ва адабиёт соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари ҳақида бўлди. Шунингдек, улар пойтахт маҳаллаларидан бирида бўлиб, унинг мисолида юртимизда кундан-кун ривожланиб бораётган фуқаролар йиғинлари ҳаёти ҳақидаги таассуротларини ўртоқлашдилар.

Дастлабки саволимиз Ўзбекистон ва Россия Федерацияси давлатларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган муҳим воқеа хусусида бўлди:

— Маълумки, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси Президентлари томонидан яқинда муҳим ҳамкорлик ҳужжатлари имзоланди. Эндиликда икки давлатнинг ўзаро муносабатлари янги поғонага кўтарилди. Биз тенгҳуқуқли иттифоқчиларимиз, муносабатлари максимал яқинлашган ҳамкорларимиз. Шундай шароитда халқларимиз ўртасидаги маданий алоқалар истиқболини қандай тасаввур қиласиз?

— Мен бир ижодкор, айни пайтда "Халқ маданиятини қайта тиклаш" Фондининг Президенти сифатида, — *дейди Ольга Радзивилл*, — халқларимиз маданиятида жуда кўп ҳамоҳанг жиҳатларни кўрдим. Икки халқ маданиятида ҳам бир-бирини ҳайратга соладиган, тўлдирадиган ва бойитадиган жиҳатлар истаганча топилади. Ахир ҳар бир халқ маданияти негизида инсоний қадриятлар ётади. Инсоний қадриятлар эса ҳамма учун ягона, улар муқаддас китобларимизда ҳам акс этган. Барча халқлар учун ҳаётнинг умуминсоний тамойиллари ҳам аслида ягона. Ҳар ҳолда, ўтмишда шундай бўлган, деб тасаввур қиламан. Турли воқеалар, вазиятлар, қолаверса, тараққиёт силсиласи таъсирида бу тамойиллар ўзига хослик касб этган, ёки ўзгариб кетган. Бугун эса ҳар бир халқ маданияти унинг ўзига хос жиҳатларини акс эттириб туради. Икки халқ ўртасидаги маданий интеграцияга айни кундаги коммуникация тармоқларининг ривожи ҳам катта ёрдам беради, деб ўйлайман.

Давоми 2-саҳифада

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.A» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА 2006 йил УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2006 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЭРОН: ЯДРОВИЙ МУАММО ЧИҒАЛЛАШМОҚДА

Эроннинг ядровий дастури билан боғлиқ муаммо ҳали-бери ечим топадиганга ўхшамайди. Куни кеча Эрон парламенти агар бу масала муҳокама учун БМТ Хавфсизлик кенгашига тақдим қилинса, расмий Теҳрон уран моддасини бойитиш ишларини бошлаши ва БМТ нозирларининг мамлакатдаги ядровий иншоотларни кўздан кечиришига рухсат бермаслигини маълум қилди. Шу боис яқин кунлар ичида Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг (МАГАТЭ) масалани БМТ Хавфсизлик кенгашига тақдим қилиш ёки қилмаслик юзасидан аниқ қарорга келиши кутилмоқда.

Кузатувчиларнинг фикрича, Эрон масаласи БМТ Хавфсизлик кенгашига тақдим этилса, мамлакатга нисбатан иқтисодий жазо жорий қилиниши масаласи ўртага қўйилади. Буни эса биринчи навбатда АҚШ қўллаб-қувватлайди. Сабаби, расмий Вашингтон Эронни хуфёна ядровий қурол яратишга интилаётганликда айбламоқда. Эрон расмий доиралари эса бу айбловни кескин рад этиб, улар ишлатаётган ядровий дастур тинчлик мақсадларига қаратилганини таъкидлаб келади.

Маълумки, бойитилган уран атом реакторлари учун ёқилғи сифатида керак. Лекин бу жараён ядровий қурол ишлаб чиқаришда ҳам муҳим босқич ҳисобланади. Халқаро ҳамжамиятни айни шу томони ташвишга солмоқда. МАГАТЭ мутахассислари Эрон ядровий дастурининг яширин жиҳатлари ниҳоятда кўп эканини таъкидламоқда.

РАТА-ТАСС хабарига кўра, ҳозир Исфаҳон шаҳридаги уранни бойитиш иншооти яна ўз фаолиятини бошлаган. Бунга Европа «учлиги» (Германия, Франция, Буюк Британия) билан олиб борилаётган музокараларнинг боши берк кўчага кириб қолгани сабаб бўлди.

Айни пайтда Эрон масаласи етакчи сиёсатчилар томонидан ҳам таҳлил қилинмоқда. Масалан, Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавровнинг фикрича, Эроннинг ядровий дастури чиндан ҳам жаҳон ҳамжамиятига хавф солса, у оммавий қирғин куролини ишлаб чиқишга қаратилган бўлса, масала Хавфсизлик кенгашига чиқарилиши керак. Аммо бугунги кунда бу каби тахдидлар сезилаётгани йўқ.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ

ёки фуқароларнинг Конституциявий судга мурожаатларига муносабат хусусида

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки чет давлатларнинг фуқаролари "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолларда Конституциявий судга мурожаат этишлари мумкин:

а) агар улар ўзларининг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ёки қонуний манфаатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари ёки Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномалар билан олган ёки бошқа мажбуриятлари туфайли бузилган деб ҳисобласалар;

б) агар улар Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ёки Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ эмас, деб ҳисобласалар;

в) агар улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ берилишини сўрасалар.

Агар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига йўлланган фуқаролар мурожаатларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномалар билан олган ёки бошқа мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос эмаслиги тўғрисида, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ёки Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига номувофиқлиги тўғрисида, Конституция ёки қонунларнинг нормаларига шарҳ бериш тўғрисида маълумотлар, сўровлар акс этган бўлса, бундай мурожаатлар масалани Конституциявий суд кўриб чиқиши учун тайёрлаш ва киритиш мақсадида, Конституциявий суднинг судъялари томонидан ўрганиб чиқилиши лозим.

Мурожаат дастлабки ўрганиб чиқилганидан кейин Конституциявий суднинг судьяси тегишли хулосани тайёрлайди ва агар бу хулоса уч ёки ундан ортиқ судья томонидан маъқулланган тақдирда "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига мувофиқ Конституциявий суд кўриб чиқиши учун киритилади.

Юқорида кўрсатилган моддага мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига масала киритиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, Олий Мажлис Сенатининг Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат гуруҳи, Олий Мажлис сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси ва Бош прокурори ҳам эгадирлар.

Мурожаатларнинг яна бир тоифасини кўриб чиқилиши Конституциявий суднинг ваколатига кирмайдиган мурожаатлар ташкил этади.

Бундай мурожаатларнинг кўпчилигини фуқароларнинг ички ишлар, тергов ва прокуратура органларининг қарорлари, суд ҳукмлари, суд қарорларининг ижроси масалалари, туман ва шаҳар ҳокимларининг ёки бошқа мансабдор шахсларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан қилинган шикоятлари ташкил этади.

Конституциявий судга йўлланган, лекин қўйилган масалаларини ҳал этиш унинг ваколатига кирмайдиган мурожаатлар 5 кунлик муддатдан кечиктирмай Конституциявий суд девони ходими томонидан тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга тааллуқлилигига қараб жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога маълум қилинади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга жўнатиш учун зарур маълумотлар акс эттирилмаган бўлса, улар худди шу муддатда тегишли тушунтиришлар билан фуқарога қайтарилиб юборилади.

Албатта, Конституциявий суд девонида фуқароларнинг ариза ва мурожаатлари муттасил ўрганилиб, уларнинг ҳисоби юритилади, вақти-вақти билан умумлаштирилиб, таҳлил этиб турилади.

Кези келганда шуни тушунтириб қўйиш лозимки, аниқ ишлар юзасидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги масаласи Конституциявий суд томонидан эмас, балки қонунда белгиланган тартибда юқори турувчи органлар томонидан, суд қарорлари эса апелляция, кассация ва назорат тартибида юқори инстанция судлари томонидан текширилиб, бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Фуқаролар Конституциявий судга мурожаат қилишдан олдин ўзларини қизиқтираётган масала Конституциявий суд ваколатига кириш-кирмаслигини аниқлаб олсалар, ўзларининг вақтларини тежаган бўладилар ва тўғридан-тўғри тегишли ваколатга эга бўлган органга мурожаат қилиб, ўз муаммоларини тез ва тўғри ҳал этиш имкониятига эга бўладилар.

Х.ХОЛБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта эксперти.

Талаба эътирофида

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР – ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТИ

Истиқлол кенг имкониятлар эшигини очди. Биргина иқтисодий ислоҳотлар мисолида ҳам кўриш мумкинки, кейинги даврда Юртбошимизнинг одил сиёсати туфайли давлатимиз бу жабҳада анча илгарилаб кетди. Ишлаб чиқариш соҳасининг тез суръатларда ривожланиши натижасида аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган товар ва маҳсулотларнинг деярли барча турлари юртимизда ишлаб чиқарилмоқда. Қолаверса, бугунги кунда халқ хўжалигидаги юксалиш даражасини ўтган йиллардаги кўрсатгич билан таққослаганда, орада катта фарқ борлиги сезилади.

Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ республикада пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг бошқа тармоқлари ҳам ривожлантирилиб, фермерлик ҳаракати кенг йўлга қўйилди. Айтиш жоизки, ушбу мисоллар "Миллий иқтисодиёт" тушунчаси билан боғлиқ. Ўзбекистоннинг ўтган 14 йиллик давр мобайнида иқтисодиётда эришган ютуқлари ҳам бисёр. Жумладан, истиқлол шарофати билан юртимизда бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёни йўлга қўйилди. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий қайта қуриш ва ривожлантиришнинг ўзига хос йўллари танлаб олинди. Бозор иқтисодиёти шароитида стратегик ривожлантириш ва давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш тизими шакллантирилди. Ва энг асосийси, мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилишда тараққиётнинг миллий "ўзбек модели" яратилди.

Таъкидлаш ўринли, ушбу саъй-ҳаракатлар юртимизнинг келажаги буюклигини таъминлайди. Шунингдек, биз — иқтисодиёт соҳасида фаолият юритувчи бўлажак иқтисод соҳаси мутахассислари келгусида ушбу ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Наргиза ШЕРМАТОВА,
Ирода ТУРСУНБОЕВА,
Тошкент Молия институти талабалари.

Ўзбекистон ҳамкорлари

ИТТИФОҚЧИЛИК — ЯНГИ ЯРАТУВЧАНЛИК ИМКОНИЯТИ

дея таъкидлайди россиялик ижодкор Анна Радзивилл

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

— Анна Павловна, ўзбек адабиёти намоёндалари билан ҳамкорлигингиз қандай бошланган, жумладан, Абдулла Қаҳҳор ижодига мурожаат қилишингизга нима туртки бўлганди?

— Абдулла Қаҳҳор буюк ҳикоянавис эди ва шундай бўлиб қолади. Бу унинг ижодига берилган баҳо эмас, бу — ҳаммага аён бўлган ҳақиқат. Шундай ижодкорлар борки, асарлари ниҳоятда етук, лекин уларнинг ўзлари ҳаётда, турмушда сал бошқачароқ яшайдилар. Абдулла Қаҳҳор эса ўз асарлари орқали айтган Сўзига кундалик турмушида, ҳаёти давомида содиқ қолган ижодкордир. Мен унинг ижоди ва ҳаёти билан ёзувчи вафотидан 15 йил ўтгач танишган бўлсам-да, унинг айнан шундай яшаганига ишончим комил. Чунки мен ёзувчининг ижоди орқали унинг маънавий қиёфасини, характерини кўз олдимда гавдалантира оламан.

80-йилларда мен Туроб Тўла ва Сайёр асарларини рус тилига таржима қилишга киришдим. Бу жараён якунланиши арафасида Сайёр Санкт-Петербургга (у даврда ҳали Ленинград эди) келди ва мен билан суҳбатлаша туриб: "Сизнинг бу сайъ-ҳаракатларингиз таҳсинга сазовор иш, бунинг учун сизга катта ташаккур. Биласизми, бизда бир прозаик бор — Абдулла Қаҳҳор, унинг ҳикоялари ўзбек адабиётининг мисоли бебаҳо олмослари. Уни ўзбек Чехови дейиш ҳам мумкин. Бордию, мана шу ҳикояларни қайтадан таржима қилганингизда эди, миллионлаб рус китобхонлари Қаҳҳор асарларини муносиб баҳолаган ва севиб қолган бўларди..." деди.

Бу таклиф мени қизиқтириб қўйди. Мен ёзувчи ҳаёти билан яқиндан танишиш учун Тошкентга келдим, унинг замондошлари, турмуш ўртоғи, айни пайтда ижодда унинг яқин маслақдоши Кибриёхоним билан учрашдим, унинг уйида икки ой яшаб-ишладим. Мен айнан Қаҳҳорнинг иш жойи — кутубхонада ишладим. Ёзувчининг ҳикоялари ва Кибриёхонимнинг у ҳақдаги хотиралари — мана шу икки манбаа орқали мен Қаҳҳорни танидим, англадим. Кибриёхоним зиёли, иқтидорли аёл эди. У Қаҳҳорнинг нафақат сўзларини, балки хатти-ҳаракатлари, имо-ишорларигача ифодалар экан, ҳатто баъзида менга "бир актёр театри"ни намойиш қилиб берарди...

Мен ўшанда Қаҳҳорнинг энг яхши ҳикояларини рус тилига таржима қилдим. Ёзувчининг 80 йиллик юбилейи муносабати билан "Звезда Востока" журналида таржиманинг бир қисми эълон қилинди. Афсуски, ўша пайтда таржималар тўлиқ чоп этилмай қолди. Мен бундан, яъни бу таржималарнинг тўлиқ чоп этилишидан ҳамон умидворман. Чунки ишончим комилки, А.Қаҳҳорнинг ҳикоялари бутун дунё китобхонлари эътиборига ҳавола қилишга лойиқ бадиий асарлар. Асарларнинг рус тилидаги нашри эса уларнинг бошқа тилларга таржима қилиниши учун янги имкон бўларди, деб ўйлайман.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Россиялик ижодкорлар (ўнгда) пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Бободеҳқон маҳалласида.

— Анна Павловна, айтинг-чи, бугунги кунда юртдошларимиз кайфиятида, ҳаётимизда қандай ўзгаришларни кўрдингиз? Четдан назар ташлаган кишига бундай ўзгаришлар яққолроқ сезилади...

— Кейинги йиллар давомида ўзбек халқи тақдирида кўпгина воқеалар юз берди. Ўзбекистон Мустақилликка эришди. Маълумки, Мустақиллик, хоҳ у бир кишиники, хоҳ бир мамлакатники бўлсин, бунёдкорликка, яратувчанликка ундайди. Бугун Ўзбекистонда кўп соҳалардаги тараққиёт жараёни яққол кўзга ташланади.

Азал-азалдан Шарқда жамоавийлик қадрланади, шарқ кишилари ҳамиша ҳамфикр, кенгашли бўлиб яшашга интилганлар. Жамоада етакчи бор, унинг ёрдамида одамлар ўзини ўзи бошқаради, бу ерда ўзига хос демократия мавжуд. Ўзбек маҳаллаларининг бугунги қиёфасини, фаолиятини кўриб, бундай яшаш тарзи яхши натижалар беришига амин бўлдим.

— Мен маҳалла ҳаётида баъзи бир ўзига хос жиҳатларни кузатдим, — *дейди Ольга Радзивилл.* — Маҳаллада ҳаётий тажрибага эга кишилар бор, улар ҳамиша ёшларга ўринли маслаҳат беришга тайёр, ёшлар эса албатта, улардан маслаҳат сўрар эканлар. Менга жинсидан, миллатидан, эътиқодидан қатъий назар, шу ҳудудда яшовчиларнинг кўпчилиги овозини олган кишигина маҳалла йиғинини бошқариши, яъни бу ўриндаги демократик тамойил жуда ёқди. Мен маҳаллани томирларида навқирон, ёш қон кўпириб оқаётган ақлли ва нуроний кексага ўхшатдим. Маҳаллада ҳеч ким ўзини ёлғиз ҳис қилмас экан. Менимча, бундай ҳамжиҳатлик мамлакат тараққиёти учун жуда муҳим.

Мавлуда ҚОСИМОВА суҳбатлашди.

Самарқанд вилояти

Йиғинда ҳунармандчилик

ҚОРАҒЎППА УСТАЛАР МАҲАЛЛАСИ

Пастдарғом туманидаги Ҳамзаобод қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги олтита маҳалла аҳолиси асосан деҳқончилик, чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланади. Мустақиллик йилларида бу маҳаллаларда миллий ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликка ҳам йўл очилди. Шу боис бугун бу маҳаллалар аҳолисининг турмуши анча яхшиланган. Тадбиркорлик ривожланган ана шундай обод гўшалардан бири Қорағўппа маҳалласидир.

— Қишлоғимиз қадим-қадимдан қўли гул усталар, ҳунармандлар макони бўлган, — дейди Қорағўппа маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Умар Турсунов . — Ота-боболаримиздан қолган бу удумни бугун маҳалладаги 575 оиланинг деярли барчаси давом эттириб келмоқда. Усталаримиз томонидан рўзғорбоп мебеллар ясаляпти. Ишлаб чиқариш учун кетадиган ёғоч-тахта асосан маҳалланинг ўзидан чиқаяпти. Ҳозир қишлоғимизда бекорчи одамнинг ўзи йўқ. Бири арра кўтариб дарахт кесишга борса, иккинчиси уни йўнишга тушади... Қишлоқ аҳли бу ташаббусни бошлаган уста Ўроз Ҳамидовдан жуда миннатдор. Бугунги кунда унинг юзлаб шогирдлари бор. У киши ясаган мебеллар бежирим ва сифатлилиги учун жуда харидоргир. Уста ва шогирдларнинг ниятлари катта. Маҳалладаги Жўрақул Номозов, Наврўз Холиқов, Ўктам Турсунов, Кубай Қодиров, Зоҳир Эшнаев каби усталарнинг меҳнатлари ҳам таҳсинга лойиқ. Уста Зоҳир Эшнаев хонадонида етти йилдан буён диван-кресло ясалади. Қизлари Дилафрўз ва Рушаналар тикиш-бичиш, зардўзлик ва дўппидўзликни йўлга қўйишган. Бу чевар қизлар ёш бўлишига қарамай, ойига ўнлаб қишлоқ қизларига ҳунар ўргатишмоқда. Ҳунармандлар солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлашни ҳам унутишмайди.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Воқелик ва муносабат

ЖОҲИЛЛИК

Инсон бор эканки, унинг феълида ижобий хислатлар билан бир қаторда баъзи бир қусурлар ҳам мавжуддир. Бундай қусурлар вақт ўтиши билан, яъниким, инсоннинг ақлу шуури камол топиши, жамият, атроф-муҳит, яқинларнинг таъсири, таълими билан йўқолиб боради. Аммо ёши етмишни қоралаган Исоқ Абдуллаев ва унинг умр йўлдоши, ҳатто фарзандлари қалбидан ўрин олган жоҳилликни бундай ўткинчи, тузалувчи қусурлар деб баҳолаб бўлмайди. Шу сўзларимизданоқ гап ким ва нима ҳақда бошланганлигини билганлар (яъни "Ўзбекистон" телеканали орқали намойиш этилган "Жаҳолат чангалида" кўрсатувини кўрганлар), ҳой аттанг-а, эссиз, инсон деган ном, дея уни лаънатлашни бошлагандир, билмаганлар (кўрсатувни кўрмай қолганлар) учун эса озгина тушунча бериш лозим деб ўйладик.

Кўрсатувни кўриб, бу одамни "Исоқ ота" деб атаётган одамлар ҳақида ҳам мулоҳазага чўмдим... Бу исмга "жоҳил" сўзини қўшмай атаётганларнинг бардоши катта экан. Ҳа, ёшига қарасангиз, у — Исоқ ота. Лекин унинг бугунгача уч марта айнан инсонларга нисбатан жоҳиллик ҳаракатлари учун (номусга тегиш, зўравонлик, туҳмат) қамоқ жазосига ҳукм қилиниб, ундан хулоса чиқариш ўрнига жоҳилликни кенг миқёсда, аёвсизларча, яна ўз оиласи вакилларини жалб қилган ҳолда давом эттириши унинг исми атрофида ҳеч бир ижобий маъно англатувчи сўз бўлишини тақозо этмайди. Жумладан, "ота" дея мўътабар, эъзозли инсонларга нисбатан қўлланадиган сўз ҳам.

Кўрсатувдан англашилишича, Исоқ Абдуллаев кейинги пайтларда Хивада ўзини хон, қўланкасини майдон, дея тасаввур этади. У ўзидан кўра соддароқ, ёки ожизроқ бўлган инсонлардан ўз хоҳлаган мақсади йўлида фойдаланади, айниқса, ожиз хотин-қизларни хоҳлаганча хўрлайди, қийноққа солади. Бу ишларда турмуш ўртоғи, ёши бир жойга бориб қолган хотини Жумагул Полвонованинг унга ҳамфикрлигини айтмайсизми? Инсонда қай даражадаги тош қотган юрак бўлиши керакки, турмуш эҳтиёжи, ишлаб маблағ топиш тақозоси билан ўзига боғлиқ бўлиб қолган икки опа-сингил (уларнинг кичиги 16 ёшда)нинг каттасини алдаб ва зўрлаб ўзига Тошкентда вақтинча эрмак қилиб яшашдан, у бундан норози бўлиб ўз тенгдоши билан турмуш қуриб кетганда бориб унинг оиласини бузишдан, опасидан ўч олиш мақсадида 16 ёшли синглисига кўз олайтиришдан тап тортмаса. Сўнг уларни яна ўз измига бўйсундириш мақсадида уларга катта миқдордаги пулимни ўғирлаб кетди, деб туҳмат қилиш, шу йўл билан уларни қайта қўлга олиб ўзининг асосий яшаш жойи Хивага яширинча олиб келиб, зах ерда уч ой қамаб қўйиш, қамаб қўйиш жараёнида уларнинг сочини кесиш ва оқибатда уларнинг соғлигига катта зарар етказиш учун киши қанчалик даражада қабиҳ бўлиши керак! Яхшиямки, бу опа-сингиллар уч ой деганда бир амаллаб эшикни бузиб қочишга улгуришган, бўлмаса... Ҳар ҳолда икки гапидан бирида "ўлдираман" деган сўзни баралла айтиб, қўлида пичоқ, ёки милтиқни ўйнатиб турган бу одамда ўзини жоҳилликдан тийиб қоладиган қалб йўқ.

Булар кўрсатувдан кўринишлар холос. Бу беҳаҳмнинг яна бир бечора қизни ўз ноқонуний корхонасида ишлатиб, 100 минг сўм пул баҳонасида унинг онаси ва боласи яшаётган уйга бостириб бориб, бор бисотини олиб, уйини вайронага айлантириб кетиши, устига-устак милицияни чақириб бу аёлни гиёҳванд модда билан ушлаб олдим, дея ёлғон билан қаматиб қўйиши, сўнг яна етмагандек уни катта суммада камомад қилганликда айблаб, судга тортишини бир нима деб баҳолашга тил ожиз. Ўғлини уйжойли қилиш мақсадидаги бошқа бир аёлнинг қимматбаҳо буюмини сотиб бериш баҳонасида олиб, на пулни бермай, на буюмни қайтармай юргани етмагандек, буюмини сўраб келган кекса аёлни унинг қизи кўз олдида калтаклайди, буюмни қайтариши эвазига ундан пул талаб қилиб, ҳатто милтиқ билан отиб ташлашга шайланишини айтмайсизми? Кунлардан бир кун бу бадкирдорнинг ўғли бошқарувидаги машинани ўз вазифасини адо этиб, қоида бузганлиги учун тўхтатган йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекцияси ходимини беш киши бўлиб келиб хушидан кетгунича дўппослаши, уни калтаклаётганларга тап тортмай "ўлдириб ташланглар" дея буйруқ қилиши, бу ғаламис эр-хотиннинг ихтиёридаги корхоналарнинг катта суммадаги давлат солиғини тўламай келаётганлиги... Кўрсатувдаги тасвирлардан маълум бўладики, бу оила аъзоларининг юқоридаги каби хатти-ҳаракатларининг саноғини анча давом эттириш мумкин ва бу қилиқларни қоралаш учун сўз бисотингиздаги энг қора сўз ҳам унга нисбатан камдек туюлади.

Унинг ваҳший қалбида бир нарса ҳукмрон бўлган. Бу ҳам бўлса "Мен ўзимнинг ваҳший ниятларимни бемалол амалга ошираверамаи" деган ишонч. Йўқ, у адашган эди, жабр чекканлар кейинроқ эътироф этганидек, яхшиям ҳақиқат, ҳақиқатни рўёбга чиқарувчи ҳукумат органлари бор экан. Бу органлар орқали у қилмишлари учун тўртинчи бор тегишли жазога тортилди.

Кишининг кўнглини чўктирадигани шуки, Исоқ Абдуллаев ва унинг оила аъзолари ҳаракатини бунгача билиб юрганлар Хоразмда, хусусан, Хивада кўпчилик эди. Шу воқеликлар атрофида маҳалла-кўй муносабати ҳам деярли сезилмаган ёки улар сезилиш даражасида журъат қила олмаган. Нафақат журъат қила олмаган, балки унинг тегирмонига сув қуйиб юрганлар ҳам бўлган кўринади. Йўқса, бу жоҳиллик даражасига у қандай етиб келди. Унинг йўлига биринчи тўсиқни маҳалла-кўй қўйиши керак эмасмиди?

"Ўзбекистон" телеканали нақадар аччиқ бўлса-да, бу воқеликни халқимиз эътиборига ҳавола этди. Юртимизда қонун талаблари устивор эканлиги яна бир бор шу воқеа мисолида намойиш этилди.

Гулрух ЁРМАТОВА,
журналист.

Қашқадарё вилояти

Юрт обод — эл обод

МАҲАЛЛАДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Ғузор туманидаги Янгиобод маҳалласи ҳудудида янги маиший хизмат коллежи биноси қад ростламоқда.

Ундаги қурилиш-монтаж ишларини бош пудратчи — Қарши шаҳридаги "Саноатқурилишресурс" масъулияти чекланган жамияти жамоаси амалга ошираяпти.

1050 ўринга мўлжалланган бу бино қурилишига жорий йилнинг март ойида киришилган эди. Қисқа вақт ичида 1 миллиард 600 миллион сўмлик иш бажарилди. Коллежни шу ой охиригача ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Э.ҚУРБОНОВ

Наманган вилояти

ЧОРДОНАДА ҚВП

Мингбулоқ туманида Чордона қишлоқ врачлик пункти очилди.

— Маҳалламизда қишлоқ врачлик пунктининг зарурати туғилганига анча бўлган эди, — дейди қишлоқдаги Қизилтов маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Исмоилжон Эралиев. Албатта, бунда Мингбулоқ тумани ҳокимлиги, туман соғлиқни сақлаш бўлимининг улуши бўлди. Аҳоли эса қурилиш ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этди.

Шер АЛИ

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Марғилон Ўрта Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бўлиб, у 2000 йиллик тарихга эга. Шарқ билан ғарбни боғлаб турган Буюк ипак йўлида жойлашганлиги унинг тарихий тараққиётига ўз таъсирини ўтказган. Бу шаҳар қадимдан косиб-ҳунармандлар, тўқувчилар, дўппидўзлар ва бошқа халқ амалий санъатининг моҳир усталари макони бўлиб келган. Улар яратган сержило атласлару бежирим миллий либослар, уй-рўзғор буюмлари бу шаҳар ва унинг одамлари шуҳратини оламга танитди. Бу ерда Фур Сиддиқ, Хўжафорси, Гумбаз сингари ажойиб меъморий ёдгорликлар мавжуд.

ВОДИЙ МАРВАРИДИ

Илм-фан ўчоғи бўлган бу шаҳар Бухорои Шарифдан кейин Сандиқул Орифийн, яъни Орифлар диёри деб атала бошлади. Бу ерда X-XI асрда бутун дунёга танилган буюк фиқҳшунослар етишиб чиқдилар. Улардан бири ислом дунёсида Соҳиби Ҳидоя номи билан машҳур бўлган буюк аллома Бурхониддин ал-Марғинонийдир. У тўққиз ёшдан бошлаб шаҳардаги Фур Сиддиқ мадрасасида таълим олиб, "Ал-Ҳидоя" асарининг биринчи қисми "Дафтари аввал"ни шу ерда ёзган.

Фарғона водийси тўғрисида илк ёзма маълумот милоддан аввалги II — I асрларга тегишли Шицзи ва Хан-Шу номли Хитой йилномаларида учрайди. Унда кўплаб маълумотлар қаторида Да-Юан (Фарғона) музофатида 70 та катта ва кичик шаҳарлар мавжуд бўлгани қайд этилган.

Археологик қазиш ишлари натижасида Марғилон шаҳрининг ғарбий қисмида жойлашган Машад маҳалласи ўрнида 2000 йил муқаддам марказ мавжуд бўлгани аниқланган. Улардан топилган қолдиқлар орасида чархда тайёрланиб, махсус бўёқлар билан бўялган ва нақшинкор қилиб безатилган юқори сифатли нафис сопол идишлар, тошдан ясалган ёрғучоқ "қўл тегирмони", кели ва сурма тошлар, темирдан ясалган найза ўқлари, сопол урчуқ тошлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Сопол идишлар, уларнинг сифати, идиш шаклларининг хилма-хиллиги ва жуда кўп миқдорда чиқарилганлиги милоднинг бошларида бу ерда йирик савдо маркази бўлганидан далолат беради.

Шаҳарнинг марказий қисмида жойлашган эски Ўрда тагидаги қазилмаларда XI—XII асрларга оид ҳаммом қолдиқлари топилди. У пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, таг ости ва девор ичида жойлашган иситгичларга эга бўлган. Қазишма вақтида хилма-хил ранглар билан безатилган нафис сирли сопол идишлар ҳам топилган.

Фарғона вилояти

Эрамиздан аввалги X—IX асрларда водийнинг дарё ва сув ҳавзаларида сунъий суғориш асосида деҳқончилик қилиш йўлга қўйилган. Жумладан, бу даврда Марғилонсой ҳавзасининг энг қулай жойлари ўзлаштирилиб, сунъий суғориш йўли билан деҳқончилик қилинган.

Милоддан аввалги I асрларга келиб, сунъий суғориб деҳқончилик қилиш Марғилонсой ҳавзасининг ўрта ва қуйи оқимларини тўлиқ қамраб олади. Шу даврда Марғилон шаҳрининг Машад маҳалласи ҳудудида 25 гектар майдонни эгаллаган шаҳар пайдо бўлади. Шаҳар арки, мудофаа деворлари ва олов ибодатхонаси вақт ўтиши билан бутунлай бузилиб кетган. Эрамизнинг VI—VIII асрларида Марғилон шаҳрининг ҳудуди шарқ ва шимолий-шарқ томонга бироз кенгаяди. Шаҳарда ҳунармандчилик ва савдосотиқ тараққий этади.

XII—XIII асрларга келганда Марғилон Ўрта Осиёнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳар жиҳатдан ривожланган шаҳарларидан бирига айланади. Бу даврда водийнинг шимолий ва жанубий қисмидан ўтган Буюк ипак йўлининг тармоқлари Марғилон орқали ўтиб, унинг гуллаб-яшнашида муҳим рол ўйнайди. Ўрта асрларда ҳам Марғилон водийнинг йирик ҳунармандчилик шаҳарларидан бири бўлиб қолади. XIX—XX асрларда эса у Ўрта Осиёнинг ипакчилик ва хонатлас ватани сифатида бутун дунёга маълум ва машҳур бўлади.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

ОМАДСИЗ ОДАМЛАР

Калифорниялик Билли Битл ҳам омадсизнинг омадсизи. У автомобил ҳалокатига учраб, Чикагодаги госпиталга тушиб қолганди. Бу ерда ҳам у яна бир оғир зарбага учради: жарроҳлар унинг жароҳатини "кавлаштириш" билан машғул бўлиб турганда операция столидан кетди. Оловнинг аланганаси шунчалик зўр эдики, касалнинг оғзи ва бели қуйи даражада куйганди.

* * *

Италиялик Тулио Чезарега куёвлик сарупоси бахт келтирмади. У бўлажак қаллиғи билан никоҳ ўқитиш учун ибодатхонага кириб кетишаётган пайтда йиқилиб оёғини синдириб олди. Дўстлари кўтариб машинага олиб кетишаётганда, қоқилиб кетишди ва бечорани ерга тушириб юборишди. Натижада Тулионинг умуртқа суяги лат еди. Қимирлатиш хавфли бўлиб қолди, шунинг учун "тез ёрдам"ни чақиришди.

Тулионинг омади йўқлигини қарангки, ҳатто "тез ёрдам" машинаси ҳам уни касалхонага олиб кетаётганда автоҳалокатга учради.

Ва ниҳоят куёвни касалхонага олиб боришган ва дераза ёнидаги каравотга ётқизишган эди... деразага қоқилган карниз унинг устига тушиб, бир неча жойини тилиб кетди.

Омадсизлик бир келса кўша келаркан-да. Тулиога шунча кўргилик етмагандек бўлажак қаллиғи ҳам унга турмушга чиқишдан воз кечди.

Фуқаролар йиғини ва болалар спорти

Тошкент шаҳри

Хабарингиз бор, 8 ноябрь куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтган эди. Мазкур йиғилишда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб этилиб, келгусида бу соҳада бажарилиши лозим бўлган муҳим ва устивор вазифалар белгилаб олинди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда жойларда болалар спортини тараққий эттиришда бевосита қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимларининг иштироки ҳамда кўмаги катта бўлаяпти. Мухбиримиз Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими раиси вазифасини бажарувчи Баҳодир ҚОСИМОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

МАҲАЛЛАНИНГ МАЙДОНИ КЕНГ

— Жамиятда соғлом муҳитнинг вужудга келиши бевосита ўша ҳудудда спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор даражаси билан ҳам боғлиқ, — дейди Б.Қосимов. — Хусусан, ёш авлод камолоти йўлидаги ислоҳотлар марказида ҳам мамлакатда болалар спортини тараққий эттириш вазифаси устивор бўлиб туради. Республикамиз болалари ўртасида спортни кенг оммалаштириш учун аввало шарт-шароит, етарли имконият яратилмоқда. Сир эмас, яқин-яқингача маҳаллаларимизнинг барчасида ҳам кўркам спорт иншоотлари, замонавий ўйингоҳлар мавжуд эмас эди. Борларида ҳам спорт анжомлари таъминотида кўплаб муаммолар учраб турарди. Ҳатто мактаблардаги жисмоний тарбия соатларида ўқувчиларнинг шуғулланишлари учун бирорта тўп йўқлигига ҳам бир неча бор гувоҳ бўлганман. Мана бугунги кунга келиб спортга, хусусан, болалар спортига эътибор ошди. Бу йўналишда ҳукуматимиз томонидан, Юртбошимиз ташаббуси билан қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди, махсус дастурлар ишлаб чиқилди.

Энг асосийси, одамларимиз спортнинг аҳамиятини чуқурроқ англаб етмоқдалар. Фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ҳисоботлари билан танишганимизда, ўша ҳудудда спорт мажмуи, ўйингоҳлар бунёд этилгани ёхуд эскилари замон талаблари даражасида таъмирлангани ҳақидаги маълумотга, албатта, дуч келамиз. Бу спортни ривожлантириш маҳалланинг — демак, барча аҳолининг кундалик ишига айланганидан далолат. Маҳалла ёшлари учун ўйингоҳлар ташкил этиш, уларни спорт анжомлари билан таъминлашга ҳомий ташкилот ва корхоналар, тадбиркорлар, саховатпеша инсонлар ҳам беминнат ҳисса қўшмоқдалар.

— Баҳодир ака, ёш авлодни спортга жалб қилиш борасида ҳам фуқаролар йиғинлари зиммасидаги масъулият ниҳоятда юксак. Бу йўналишда ижобий натижаларга эришиш учун яна нималарга эътибор қаратиш лозим?

— Тўғри, маҳаллаларимизда спорт билан шуғулланиш учун имкониятлар яратилаяпти. Спорт жиҳозлари билан таъминланган мажмуаларни кўриб кўз қувонади. Бироқ замонавий ўйингоҳда маҳалла ёшларининг ўз-ўзича тўп тепиб юравериши ҳеч бир натижа чиқмайди. Маҳалла оқсоқоли бундай ҳолатда ўз атрофига мураббийларни жалб қилиши лозим. Қолаверса, болаларни спортга жалб қилишнинг энг самарали воситаси — тез-тез мусобақалар ташкил қилиш. Агар ҳомийлар, тадбиркор ва ҳимматли инсонлар кўмагида бундай мусобақалар кўпроқ уюштирилса, ўз-ўзидан спортга иштиёқманд ёшлар сони кўпаяверади.

— Бундай мусобақаларни ташкил этишда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари ҳам алоҳида ташаббус кўрсатаётгани барчага маълум...

— Тўғри, айни пайтда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида маҳаллалар болалари ва ўсмирлари ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий "Футболимиз келажаги" турнири, оилавий баҳслар, шахмат-шашка, кураш каби мусобақалар ўзининг ижобий натижаларини бераяпти. Уйда ҳам ота-оналар фарзандлари учун бунга етарли шарт-шароит яратиб беришлари даркор. Баъзан уй юмушлари ниҳоятда кўплигидан ота-она майдонда тўп тепиб ёхуд тенгдошлари билан маълум бир спорт тури бўйича беллашиб ҳориб қайтган фарзандини қойишга тушадилар, буни ҳатто бекорчиликка, бебошликка йўйишади. Тўғри, боланинг кун бўйи кўчада тўп тепиб юришига ҳам бефарқ қараб бўлмайди. Аммо маълум бир вақтда уларнинг спорт билан шуғулланишлари ва бунинг натижасида жисмоний қувватини оширишлари фойдадан холи эмас. Ўйлайманки, буни маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчиси ва фаоллари жиддий назоратга олишлари керак.

Маълумотларга кўра, бугун мамлакатимизда 23 минг 601 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси фаолият кўрсатаётган бўлса, аёл мураббийлар ана шу миқдорнинг 20 фоизини ҳам ташкил қилмайди. Шу боисдан умумтаълим мактабларининг барчасида ҳам эркак мураббийлар қизлар ўртасида спортни ривожлантириш борасида қониқарли натижага эриша оляптилар, деб бўлмайди.

Спортни оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантириш бугуннинг ҳам, эртанги куннинг ҳам энг олий талаби.

Фаррух БЎТАЕВ
сухбатлашди.

Андижон вилояти

ХОНОБОДДА БОКС МАКТАБИ

Бу ердан етишиб чиққан маҳоратли боксчилар Ўзбекистон шарафини дунёга танитмоқда

Хонобод аҳолиси баъзан эрталаб, баъзан тушликдан кейин гўзал шаҳарнинг хиёбонлари бўйлаб югуриб кетаётган спорт кийимидаги ёш йигитчаларга ҳавас билан қараб қолишади. Бу спортчи ёшлар республика тоифасидаги ҳакам, спорт устаси Содиқжон Сиддиқов раҳбарлик қилаётган "Турон" спорт клуби тарбияланувчилари. Ўтган чорак аср мобайнида Содиқжон ва унинг шогирдлари бу клубда 3 минг нафарга яқин ёшларга бокс сирларини ўргатдилар. Улар орасида бир нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 10 нафардан зиёд спорт усталари, 50 дан ортиқ спорт усталигига номзодлар бор.

— Шу йилнинг ўзида клубимиз тарбияланувчиларидан Шерзод Олимжонов, Рустамжон Жўрабоев, Жамолиддин Жўраевлар Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилинди, — дейди С.Сиддиқов. — Икки йиллик машқлардан кейин улар энди катта спортдаги ойдин йўлларини белгилаб олишди.

"Турон" спорт клуби боксчилари турли халқаро мусобақаларда иштирок этадилар.

Жорий йилнинг ёзида Хонободда "Турон" клубининг 15 йиллигига бағишланган халқаро ёшлар турнири ўтказилди. Шаҳарга Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистондан 200 нафарга яқин боксчилар ташриф буюрдилар.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Сирдарё вилояти

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Гулистон шаҳридаги Алпомиш спорт мажмуасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган «Соғлом оила» спорт мусобақаларининг мамлакат босқичи якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят босқичларида ғолиб бўлган ўн тўрт оила спортнинг саккиз тури бўйича ўзаро баҳслашди.

Иштирокчилар мусобақанинг сакраш, тўпни мўлжалга отиш, акробатика, арқон тортиш ва бошқа шартлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этди. Муросасиз кечган баҳслар андижонлик А.Юсуфжонов оиласининг ғалабаси билан якунланди. Иккинчи ўрин Сирдарё вилояти вакиллари — Гулистон шаҳрида яшовчи А.Исоқов оиласига насиб этди. Пойтахтлик Р.Шукуров оиласи учинчи ўринни қўлга киритди.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири

Юртимиз бозорлари

Сурхондарё вилояти

ТЎКИН ВА ОРАСТА РАСТАЛАР

Мустақиллик йилларида Президентимизнинг юрт ободлиги борасидаги алоҳида эътибори мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Сурхон бозорларининг ҳам янада обод бўлишига олиб келмоқда.

Қизиқ бир ҳолат: жорий йил бошида Бойсун бозорига кирган киши азалий усулда қурилган дўконлар, атиги 1 та айвонли растадан иборат манзарага кўзи тушарди. Айтишларича, баҳор кириши билан Тошкенти азимдан келган меҳмон бозорга кириб ҳайратда қолибди: уч ойда Бойсун бозори бутунлай қайта бунёд этилган, 30 га яқин ойнаванд тижорат дўконлари, 3 та алоҳида-алоҳида маҳсулотлар савдосига мўлжалланган айвонли расталар кўзга ташланарди. Бозорнинг хосияти шундай, умуман Сурхон бозорларининг ўз мўъжизаси бор...

Бойсун бозорида Шавкат Қодиров янгидан иш бошлаган, туман ҳокимлиги ҳамда тадбиркорларнинг ёрдами билан бозорни обод қилаётган бўлса, Шеробод бозорида 15 йилдан буён Бахтиёр Бобоқулов раис. У 28 кишилик жамоага бош. Бозорда 160 ўринли сабзавот, қандолат, нон, қуруқ ва ҳўл мевалар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари алоҳида-алоҳида расталарда жойлашган. 27 та дўкон, 5 та ошхона доимий хизматда. Кейинги пайтда бозор ҳудуди кенгайиб бормоқда. Бирданига 52 та дўкон бунёд этилаяпти. Тижорат, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар сотуви йўлга қўйиляпти. Муҳими, бунёдкорлик маблағи тадбиркорлар ҳисобидан. Бу ишнинг бошловчилари Дилором Тўлаганова, Вали Сариев, Расул Сатторовлар...

Белгиланган режаларнинг ижроси ҳам меҳнатга яраша. 26 миллион сўмлик йиллик режа ортиғи билан ўринлатилмоқда. Ойига 2-2,5 миллион сўмлик патта пуллари йиғиштириб олинаяпти. Бозор жамоаси 2 та ногирони бор оилага ҳомийлик кўрсатиб, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар етказиб бермоқдалар. Уларнинг кўмаги билан 3-мактаб таъмирдан чиқарилди.



"Жарқўрғон бозори" масъулияти чекланган жамиятига Панжи Олтибоев раҳбарлик қилади. У кўп йиллар умумий овқатланиш соҳасида меҳнат қилди. 2002 йилдан буён бозорга раҳбар. 474 ўринли 13 та турли расталардан иборат бозор 1,2 гектарлик ер майдонига эга. Унинг икки жойда филиали мавжуд: бири Сурхон қишлоқ йиғини ҳудудида, иккинчиси Какайди қўрғонида. Бозорлар тозаозода, расталар пешма-пеш таъмирлаб борилмоқда. Полиз ва гўшт расталари яқиндагина таъмирдан чиқарилди. Какайди бозорида 24 та айвонли расталарда савдо қилаётганлар ҳамда харидорлар учун етарли шарт-шароит яратилган. Бозорни 13 кишидан иборат жамоа назорат қилади. Шаҳар бозорига ҳар ойда 2,5-3 миллион сўм йиғим пуллари тушади. Бозор соф фойда ҳисобига ишламоқда. Ўтган йили 26896 минг сўм ялпи даромад қилинган бўлса, соф фойда 3084 минг сўмни ташкил қилди. Ангор буюм бозори халқ тилида "Жаҳон бозори" номини олган. Энг сара, энг арзон маҳсулот шу ерда. Фарҳод Тоғаймуродов бозорга бош. Бир пайтлар у тадбиркор эди. Ўзига қарашли 3 та юк ташиш автомашинаси ёрдамида узоқ юртлардан юк ташир, шунга қараб даромад кўрарди. Ижарадан тушган маблағ эвазига бозор қурди. Буни қарангки, энг гавжум бозор шу бўлди. Бу ердаги маҳсулотлар бошқа бозорларга нисбатан анча арзон. Шеробод, Қизириқ, Музрабод, Термиз туманларидан келганлар шу бозордан харид қилишга одатланишган. Айни пайтда Фарҳоджон бозорни кенгайтириш чораларини кўраяпти. Қўшимча тижорат дўконлари қурилиши давом этмоқда.

Омон ШУКУРОВ,
Парда НАЗАРОВ.

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 1-мактаб томонидан 11-синфни тугатганлик ҳақида 1994 йилда Ким Сергей Юрьевич номига берилган 454862 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный диплом САНМ 057240 выданный на имя Шамуратовой Гулназ Ешбаевны 19.07.2005 года Республиканским профтех училищем Министерством труда и социальный защиты населения считать недействительным.

Общественная организация ННО "HAMKOR" (код по ОКПО 19393657) ликвидируется. Претензии принимаются в течении 10 дней со дня публикации по тел: 144-08-24. Ул.Хуршида 97"А".

Ҳурматли обуначилар!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календари штампели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганлиги, пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Бугун бўлмаса ҚАЧОН?!

Азиз муштарий!

Сиз ушбу варақани қирқиб олиб, тўлдириб обуна уюштирувчи бўлимларга борсангиз, обунани ҳеч қийинчиликсиз амалга оширасиз.

Андижон вилояти

СОЗ УСТАСИ



Абдумалик Абдураимов таниқли соз ясовчи уста-ижодкор. У ясаган бежирим миллий мусиқа асбоблари нафақат вилоятда, балки республика миқёсида ҳам юксак эътирофга сазовор бўлиб келмоқда.

Ушбу йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш мақсадида дунёнинг турли мамлакатларидан юртимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар ҳам Абдумалик аканинг ижодига юксак баҳо бердилар.

— Фестивал бошланишидан уч-тўрт кун аввал Самарқандда мусиқа асбоблари кўргазмасини ташкил этдик, — дейди А,Абдураимов. — Мен кўргазмада ноёб миллий чолғу асбоблари коллекцияси билан қатнашдим. Хорижлик меҳмонлар, айниқса, юртимизнинг қадимий ва маҳобатли миноралари тасвири туширилган соз-асбобларни мароқ билан томоша қилдилар. Ҳатто буни чет эллик санъатшунос олимлар, моҳир соз усталари соз ясаш услубидаги ажойиб янгилик сифатида эътироф этишди.

У.САКСОНБОЕВ

СУРАТДА: *А.Абдураимов (чапдан) анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали муносабати билан ташкил этилган чолғу асбоблари кўргазмасида ўз ижоди намуналарини намойиш қилаётган пайт.*

Хотира

Саида Зуннунованинг нафақат дилбар шеърлари, мазмундор ҳикоя ва қиссалари, ҳаётий муаммолар, чигал тақдирлардан баҳс юритувчи драмалари, қувноқ ҳажвлари, балки курашларга тўла ҳаёти ҳам ўрганишга, ибрат олишга арзийди. Ҳаёт шоирага анчагина мушкул тақдирни раво кўрган бўлса-да, ҳаммасига мардона туриб дош берди, ўз эътиқодидан, танлаган йўлидан чекинмади.

"ИРОДАСИ БУКИЛМАС БИР АЁЛ..." ЭДИ

Саида Зуннунова 1926 йилда Андижонда туғилди. Унинг адабиётга меҳр қўйишида отаси Эргашбой ва онаси Сабохонларнинг хизматлари катта бўлган. Шоира ўн беш ёшга кирганда отаси вафот этади. Бу воқеа урушнинг энг оғир, таҳликали йилларига тўғри келган бўлиб, бир этак бола билан ёлғиз қолган онасига мадад бериш учун ёш Саида ҳам тиним билмай ишлайди. Ҳатто ўрта мактабнинг битирувчи синфини тамомлашга шароити бўлмай, ўзи мустақил тайёрланиб, Андижон Давлат ўқитувчилар тайёрлаш институтига ўқишга киради. Институт таҳсилидан сўнг мактабда ва газетада ишлайди. Ижодга бўлган кучли қизиқиш 1947 йили шоирани САГУнинг филология факультетига етаклайди. Университет таълими, пойтахтдаги жўшқин адабий муҳит Саида Зуннунованинг ижодига ижобий таъсир кўрсатди. Ғафур Ғулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода каби етук шоирларнинг эътибори, самимий маслаҳатлари бесамар кетмади. 1948 йилда чоп этилган илк шеърлар тўплами "Қизингиз ёзди" унинг номини шоира сифатида элга танитди.

1950 йилда ўзининг фельетон ва ҳажвий ҳикоялари, мақолалари орқали жамоатчиликка танилиб улгурган ёзувчи Саид Аҳмад билан Саида Зуннунова турмуш қурадилар. Тақдир никоҳ куниёқ уларнинг бошига шафқатсиз синовларини сола бошлади. Шоиранинг биттагина ўғил укаси Насибжон бевақт вафот этди. Тўйдан уч ой ўтар-ўтмас Саид Аҳмад "халқ душмани" деган ноҳақ айблов билан қамоққа олиниб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилади. Ёзувчилар Уюшмасида эса махсус мажлис чақирилиб шоирадан "халқ душмани" эридан воз кечишни талаб қиладилар, акс ҳолда ўзига ёмон бўлишини айтадилар. Лекин кичкинагина, айтганидан қайтмайдиган ўжар аёлга сўзлари ўтмагач, ҳеч қаерга ишга олмаслик ва асарларини босиб чиқармасликларини тайинлаб таҳририят, босмахона ва ташкилотларни огоҳлантирадилар. Ишсиз, мушкул аҳволда қолган шоира дадаси совға қилган тилла соатини сотиб, пулига ёзув машинкаси олади ва бировларнинг қўлёзмаларини кўчириб бериб, тирикчилик қилади. Саид Аҳмад унинг бошига тушаётган кўргуликларни шўро сиёсатини яхши билгани учун қамокда туриб ҳам сезади, ўзидан воз кечишни, бундай тазйиқ ва таҳқирлар аёл бошига оғирлик қилишини айтиб мактуб йўллаганда, шоира ҳеч қачон бундай қилмаслигини, бу ҳақда ҳатто сўз ҳам бўлиши мумкин эмаслигини жавоб хатида ёзади. Саида Зуннунованинг ўша йиллардаги қийин аҳволини, унга тез-тез бўлиб турадиган ҳужумларга қандай матонат билан дош берганини Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Ҳалима Носирова ва бошқа кўпгина замондошлари ҳурмат ила эслайдилар.

Сталин вафотидан сўнг сиёсий қатағон исканжаси бироз бўшашиб, кўплар қатори Саид Аҳмад ҳам қамоқдан қайтади. Ҳаммаси изига тушиб кетгандек бўлса-да, бу икки қўшқанот ижодкорларнинг асарларидан ғоявий хатолар ахтариш, ноҳақ танқидлар давом этади. Айниқса, Саида Зуннунованинг 1959 йилда "Шарқ юлдузи" журналида босилиб чиққан "Сўқмоқлар" қиссаси қаттиқ танқидга учрайди. Қиссанинг бош қаҳрамонлари эр-хотин Азиза ва Эгамов ҳалол, ўз касбини севувчи, инсонларга фақат яхшилик тиловчи фидоий кишилар бўлиб, ҳатто бу йўлда улар ўз ҳузур-ҳаловатларидан ҳам воз кечадилар. Ўзларидаги ана шу фазилат ва фидойиликни атрофдаги инсонларда ҳам кўришни истайдилар, лекин ҳаётда бунинг аксини кўриб, озор топишларини яхши билсалар-да, турмушдаги нуқсонларга қарши курашадилар. Табиийки, ҳар қандай нуқсонлардан холи, "бахтли" совет воқелигини асарда бундай, яъни қарама-қаршиликлари билан рўй-рост кўрсатиш мумкин эмасди. Шунинг учун бу қисса ҳаётга зид, ғоявий зарарли асар деб топилди ва қатағонга учради.

Саида Зуннунованинг 50 ёшлик юбилейи олди сафарларда шоира билан бирга бўлган шогирди Ойдин Ҳожиева ҳамда Саид Аҳмаднинг бир қатор хотираларида келтирилишича, Самарқанд ва Бухорода мухлислар билан ўтказилиши лозим бўлган учрашувлар масъул бир шахснинг буйруғи сабаб тўхтатилган бўлса-да, чойхона, фабрика, завод ва турли ташкилотларда халқ севимли шоирасининг ташрифини эшитиб тўпланган, шеърхонлик-мушоира, суҳбатлар ўтказган. Ўша йилларда шоиранинг бошига яна кетма-кет жудоликлар тушади. Ёшгина синглиси, онаси ва севимли бувисидан айрилади. Табиатан таъсирчан ва ўта меҳрибон бўлган шоиранинг соғлиғига бу зарбалар оғирлик қилади.

Юбилейидан бир йил ўтмай Саида Зуннунова айни ижоди баркамолликка эришган бир вақтда — 51 ёшида вафот этади.

Саида Зуннунова шеърларида қайси мавзуга мурожаат этишидан қатъий назар, унда аввало, инсонга ҳамда инсоният бешиги бўлган она табиатга кучли муҳаббат руҳи уфуриб туради. Унинг шеърлари кишини ҳаяжонга солади, ҳаёт ҳамда инсон умрининг мазмуни ҳақида фикр юритади ва ўқувчини мулоҳазага чорлайди, қалбини гўзалликларга ошно этади. У бир шеърида инсонларга бўлган кучли муҳаббатини шундай тасвирлайди:

Сайр қилсангиз, бўлайин гулзор,
Тингласангиз, бир булбули зор.
Чанқасангиз, муздек бир чашма,
Бўстон бўлай, кезинг беозор.
Ёр йўлида мунтазир кўрсам,
Ойдин бўлиб бошлаб келайин.
Ғамингизни айтинг, олисга.
Олисларга ташлаб келайин.
Аммо дўстга дўст бўлмасангиз
Ёмон ният туссангиз дилга.
Яхшиларга йўлатмам сизни,
Чўтир бўлиб ётаман йўлга.

Саида Зуннунова қисқа, аммо сермазмун умр кечирди. У киши ҳақида Саид Аҳмаддан ошириб бир сўз айтмоқлик душвор: "Саидахон ҳою-ҳавасларга берилмади. Минбарларга интилмади. Оташин нутқ ирод қилмади. Бир чеккада жимгина яшади. Жимгина оламдан ўтди.

Шундай дейману ноҳақликка қарши бош кўтарган, аёл номига доғ туширмай пок сақлаган, жуда кўп аёлларга намуна бўлса арзигулик умр кўрган, хўрликларга, ҳақоратларга қарши исён кўтарган, букилмас бир аёл кўз олдимда туриб олади".

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Айни кунлардаги ижодий ёки шахсий сафарлар самарали кечади. Дам олиш кунлари берган ваъдаларингизни ёдингизга солишади.

СИГИР(22.04-20.05)
Сиз ўта масъулиятли инсонсиз. Ушбу хусусиятингиз айни кунларда бошлиғингиз ва ҳамкасблар томонидан яхши баҳоланади.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Ҳаётингизда илгари содир бўлган воқеалар, хатоликлар такрорланиши мумкин. Дам олиш кунлари дўстлар билан бўлинг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ишга жиддий ёндошишингиз яхши натижаларга олиб келади. Бу борада айниқса уй юмушлари осонгина ўз ечимини топади.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Айни кунларда сизнинг янги ижодий режаларингиз атрофдагилар томонидан юқори баҳоланиб, амалда қўлланиши мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Молиявий ва оилавий масалалар айни кунларда ечимини топади. Унутманг, яқинлар билан муносабатда "масофа" сақлаш муҳимдир.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Айни кунларда турли келишмовчиликлардан йироқроқ бўлинг. Дам олиш кунларида фарзандларингиз тарбияси билан шуғулланинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Юзага келган молиявий масалалар эски танишлар орқали ҳал бўлади. Дўсту биродарларни йўқлаб туриш керак-лигини унутманг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Яқин кунларда сизга қизиқарли таклифлар тушуиши мумкин. Шундай экан, айни кунларда яхшилаб ҳордиқ чиқариб олинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Қанчалик кишилар эътиборидан четда бўлсангиз муаммоларингизни шунчалик осон ва енгил ҳал этишингиз мумкин.

КОВҒА (20.01-18.02)
Фарзандлар баҳолари пасайишида, уларнинг хатоликларида қаттиққўл бўлмасликка, уларни кўпроқ руҳлантиришга ҳаракат қилинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ечими кутилаётган муаммолар айни кунларда ҳал бўлади. Сўнгги пайтларда ишингиздан толиқ-қансиз. Сабр-тоқатли бўлинг.

Ёнингга йўл берманг!

САВОБ КЕРАК, САЛОМАТЛИК ҲАМ...

Айни пайтда юртимизда хазонрезги фасли. Шу боис, кўча-хиёбонларни, корхона ва ташкилотлар, турар-жой бинолари атрофини, ҳовлисини тез-тез тозалаб туришга тўғри келади. Бундай пайтда айрим юртдошларимиз ерга тўкилган хазонларни супуриб, тўплаб, шу ҳудудни саришта ҳолга келтирадилару, уларни ахлат қутиларига ёки махсус жойларга олиб бориб тўкишга келганда, лоқайдликка, эринчоқликка берилиб, хазонларни ёқиб юборадилар.

Яқинда кўп қаватли уйлардан бирининг ҳовлисида бўлган мунозара ҳам менга ана шу ҳолатни эслатди: бир аёл кўп қаватли уй ҳовлисини супуриб, тўпланган хазонларни ёқиб юбораётганида, уйнинг иккинчи қаватидан унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб турган яна бир аёл "хазонларни супуриб, ёқиб нима қиласиз, қўяверинг, керак бўлса уларни олиб кетишади..." дея унга эътироз билдирди. Воқеани четдан кузатиб турган айрим одамлар ҳовли супурган аёлнинг хатти-ҳаракатларини савобга йўйишди, яна баъзилар унга дакки берган жувоннинг гапларини маъқуллашди...

Тўғри, жойларда тозалик сақланиши ҳар бир инсон учун фақат наф келтиради. Кўчахиёбонларни супуриб, ён-атрофни ифлослантиришга йўл қўймаётган аёлларимиз, қизларимиз, қолаверса, шу ишга масъул хизматчилар ишидан ниҳоятда миннатдормиз. Бироқ ҳаммаёқ озода бўлсин, дея инсонлар саломатлигига, атроф-муҳит экологиясига жиддий хавф туғдираётганлар ишини мутлақо ёқлаб бўлмайди. Чунки хазонларни ёқиб юбориш оқибатида қанча заҳарли тутун ҳавога тарқалади. Ундан нафас олганларнинг организми заҳарланади. Бир қарашда осон ва тез ёниб тугайдигандек кўринса-да, хазонларнинг остки нам қисми узоқ вақт мобайнида тутаб, ўзидан заҳарли газ чиқаради.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бундай ҳолат баъзида катта ёнғинлар келиб чиқишига ҳам сабаб бўлмоқда. Айниқса, катталардан "ўрнак" олиб, тўпланган хазонлар ва чиқиндиларни ёқиб юбораётган болаларни, ўсмирларни ота-оналар, қўни-қўшнилар, маҳалладошлар тартибга чақиришлари, назоратга олишлари лозим. Шунингдек, бу ҳақда мактабларда ўқитувчи-мураббийлар, маҳаллаларда оқсоқоллар, кўчабошилар, посбонлар ҳамда фаоллар кенг тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Н.ХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳри Собир Раҳимов номли туман ИИБ ЁХБ бошлиғи, майор.

Танловга марҳамат!

«ВАТАН, ЯГОНАСАН ДИЛИМДА ДОИМ!»

Ватан ҳимоячилари куни умумхалқ байрамига айланди. Куролли Кучлар ташкил этилганлигининг 14 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» Марказий Кенгаши «Ватан, ягонасан дилимда доим!» мавзуидаги республика танловини эълон қилади.

Танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиз ижодкорларини ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига жалб этиш, армия ва халқ бирлигини тарғиб-ташвиқ қилиш, мактаблар ва лицейлар, коллежлар ва олий ўқув муассасалари ва жойларда оммавий ватанпарварлик ишлари борасида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилиш, Куролли Кучлар сафида хизмат қилишга тайёрланаётган ёки ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларимиз одоб-ахлоқини тараннум этишдан иборатдир.

Танловга тавсия этилган ижодий ишларда ёшларимизнинг юксак ватанпарварлиги, улар тафаккурида мустақиллик мафкураси қандай шаклланаётганлиги, амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли жамиятимиз ва армиямизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар ҳаётий мисоллар орқали акс эттирилиши шарт.

Танловга 2005 йил 1 январдан 20 декабргача чоп этилган, намойиш ва ижро қилинган асарлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади:

— публицистика /газета ёки журнал мақоласи, фотосурат, телекўрсатув, радиоэшиттириш, телерадиоочерк, муаллифлик дастури/;
— видеоклип, мусиқий асар /мусиқа, қўшиқ матни, шу жумладан, муаллифлик, ижрочилик маҳорати/;
— тасвирий санъат асарлари /сурат, плакат, ҳайкал, нақш, панно/.

Ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар ва совриндорлар қуйидаги пул мукофоти билан тақдирланадилар:
— 1-ўрин — 200 000 сўм;
— 2-ўрин /иккита/ — 75 000 сўм;
— 3-ўрин /учта/ — 50 000 сўм.

Муштарийлар ва томошабинларнинг энг кўп олқишига сазовор бўлган иккита асарга танловнинг Гран-приси — рангли телевизор ва махсус соврини — шахсий компьютер тақдим этиш ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати танловга топшириладиган асарларни қуйидаги манзилда қабул қилади:

Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй /»Ватанпарвар» ахборот-нашриёт мажмуаси/. Телефон: /8 3712/ 56-07-80.

Танлов ташкилий қўмитаси.

Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

Ф. МТ-1

Mahalla газета / журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)
(нашр номи) — Комплектлар сони
йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)
Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ
п.в. жойи — 148 (нашр кўрсаткичи)
Mahalla (нашр номи)
Обуна баҳоси _____ сўм — Комплектлар сони
_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)
Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

Чилонзор тумани ЧП "SHAHRIYORTRANS"нинг йўқолган думалоқ муҳри бекор ҳисобланади.

1997 йилда "Азия Сестемс" фирмасига офис учун берилган 11-3/97 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Юнусобод тумани "OLMOZ" хусусий фирмаси (ОКПО 15010530) "OLMOZ" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади. Даъволар эълон чиққан кундан 2 ой муддатда қабул қилинади. Тел: 144-53-26.

ООО "DONMAHSULOT — BUTLASH" Сергелийского района в связи с изменением Учредителей ликвидируется. (ОКПО 00959814) Тел: 167-62-08. Претензии принимаются в течении 2 месяцев со дня публикации.

Утерянный аттестат N3141/2003 г. выданный ГТК РУз на имя Хакимова Жамшида Умидовича считать не действительным.

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
☑ БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
☑ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
☑ БАССЕЙНЛАР;
☑ ЭКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб колган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Каҳҳор кўчаси, 49-уй. Телефон: 107-16-00. Тел./факс: 152-13-01.

ESENYA
Bau- und Handelsvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
DUNDAR CATALOGUE

ИГРОВЫЕ ПЛОЩАДКИ
БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек номли туман ҳокимлиги ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси тумандаги Гулистон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси **Комилжон АҲМАДЖОНОВ**нинг бевақт вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна-берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7028 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-122
1 2 3 4 5 6
Топширилди —